Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 108 (21. 207) 1992 йил 2 июнь, сешанба ● БАҲОСИ 2 СЎМ.

• ЎЗБЕКИСТОН—РОССИЯ •

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИК

30 май куни Москвада, Кремлнинг Владимир залида икки мустақил давлат — Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги шартномани имзолаш маросими бўлди.

Сафар олдидан Ўзбекистон Президенти И. Каримов журналистлар билан суҳбатлашиб, жумҳурият истиқболини янада мустаҳкамлаш, таназзулдан чиқиб олишимиз учун бизга осойишталик зарур, деди. АҚШ, Туркия сингари давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Дунёнинг 109 мамлакати мустақиллигимизни тан олди. Мана, бугун Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли давлат сифатида шартнома имзоламоқчимиз. Бозор муносабатларига ўтишда халқимиз ўз меҳнати маҳсулидан етарли баҳраманд бўлиши учун шарт-шароит яратиш вазифаси турибди. Бунинг устига жанубий чегараларимиз хавфсизлиги ҳақида ҳам ўйлашимиз, ички снёсатни барқарорлаштириш учун ташқи алоқаларимизни мустаҳкамлашимиз лозим. Биз Россия билан ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш тарафдоримиз.

— Бугун биз тенг ҳуқуқли икки давлат — мустақил Россия билан мустақил Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини йўлга қўйишни кўзда тутувчи ҳужжатни имзолаш учун бу ерга тўпландик, — деди Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин ҳужжатни имзолаш чоғида сўзлаган нутқида. — Бизнинг вазифамиз ўзаро манфаатдорлик асосида халқларимизнинг келажагини белгилаб олишдан иборатдир. Шуни айтишим керакки, Ўзбекистон ҳамдўстликдаги бошқа давлатлардан ўзига хос йўл тутаётганлиги билан ажралиб туради. МДҲ давлат ва ҳуқумат раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ҳамдўстлигимиз истиқболини ойдинлаштириб берди. Мен Тошкентда, Самарқандда бўлганимда Ўзбекистон бетимсол тарих, бетакрор маданиятга эга йирик давлат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Давлатлараро муносабатлар асослари ҳақидаги шартноманинг имзоланиши тарихий нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон учун ҳам, Россия учун ҳам катта аҳамиятга молик, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов. — Ҳужжатда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган. Бу борада Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам имкониятлар мавжуд. Бизнинг давлатлараро ҳамкорлигимиз, шубҳасиз, иккала халқ манфаатларига мос бўлиб тушади, яқин келажакда ўз самараларини беради.

Шартнома имзолангандан кейин икки давлат Президентлари бу ерда ҳозир бўлган журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Шу куни кечқурун Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Сафар чоғида Президентга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлдилар.

Ў. МИРЗАЁР,
ЎзА мухбири.
Москва—Тошкент.



Суратда: шартномани имзолаш пайтида.

Ў. МИРЗАЁРОВ (ЎзА) олган сурат.

ПИЛЛАЧИЛАР ЗАФАРИ

Бухоро вилоятининг пиллачилари табиий қийинчиликларни мардонавор енгиб зафар маррасига эришдилар. Давлатга 3 минг 490 тонна юқори сифатли хом ашё топширилди.

Айниқса Ромитан районидаги «Ромитан», Олот районидаги «Олот», Когон районидаги «Гулистон», Қоракўл районидаги «Тошкент» давлат хўжаликлари, Вобкент районидаги «Ленинград», Пешку районидаги «Маданият», Жондор районидаги Ҳамза номли, Бухоро районидаги Ф. Аллаев, Ғиждувон районидаги «Гулистон», Шофиркон районидаги «Ленинобод» жамоа хўжаликлари пиллачилари қувончли натижаларга эришдилар. Ромитанлик Мўмина Жўраева, олотлик Қирмиз Қувондиқова, пешкулик Робия Мўминова, жондорлик Моҳира Бозорова, бухоролик Сабон Жўраева сингари «қумуш тола» ижодкорлари ҳар қути қурт уруғидан 90—100 килограммдан пилла олишди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• БОШ МЕЗОН—МАНФААТДОРЛИК

ДЕҲҚОН ДИЛИГА ЙЎЛ ТОПИЛДИ

Кейинги пайтда республикамиз Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси деҳқонларни, умуман, қишлоқ хўжалигида ишловчиларни рағбатлантириш, уларга ижтимоий-маиший шароитлар яратиш борасида кетма-кет Фармон ва қарорлар қабул қилдилар. Айниқса, пилдага бўлган давлат буюртмасини камайтириш тўғрисидаги, ғалла харид нархини ошириш ҳақидаги, республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўшимча қийматдан бюджетга солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги Фармон ва қарорлари кўпдан бери кутилаётган ғамхўрликнинг бир кўриниши. Шу муносабат билан таҳририятимизга қишлоқ хўжалиги ходимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари кетма-кет сим қоқиб, ўз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар. Мана, улардан айримлари:

Улуғбек ИБРОҲИМОВ — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» давлат хўжалиги директори:

— Бу йил деҳқонларимиз пилла харид нархи арзонлиги учун уни боқишдан воз кечишмоқчи бўлишди. Лекин биз сабр қилинглар, ҳали бу масалани Президентимиз, ҳукуматимиз кўриб чиқишар дегандик. Ҳа, биз айтгандек бўлди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Тараққиёти истиқболларини мўлжаллаш комитети, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг республика жамғармасига пилла етказиб бериш давлат буюртмасини 75 фоизгача камайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилиниб, махсус қарор чиқарилди. Бу пиллакорларимиз ғайратини ошириб юборди. Айни пайтда хўжалигимизда пилла топшириш бошлаб юборилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ғалла харид нархи ошганлиги ҳам қувончли бўлди. Зеро, бизнинг хўжалигимизда каттагина майдонларда ғалла етиштирилмоқда. Ҳадемай, арпа ўримига киришамиз. 1010 гектар майдонга экилган ғалладан ўртача 14 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, эл дастурхонига тортиқ этамиз. Ўз-ўзидан маълумки, энди деҳқон мўл ҳосил етиштиришдан манфаатдор бўлади. Чунки унинг даромади кўпаяди. Пировардида рўзғори бут бўлади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика қишлоқ хўжалик корхоналарини қўшимча қийматдан бюджетга солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳам барака келтирди. Ўтган ҳафта ҳукуматимиз раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ҳамдўстлигимиз истиқболини ойдинлаштириб берди. Мен Тошкентда, Самарқандда бўлганимда Ўзбекистон бетимсол тарих, бетакрор маданиятга эга йирик давлат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Давлатлараро муносабатлар асослари ҳақидаги шартноманинг имзоланиши тарихий нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон учун ҳам, Россия учун ҳам катта аҳамиятга молик, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов. — Ҳужжатда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган. Бу борада Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам имкониятлар мавжуд. Бизнинг давлатлараро ҳамкорлигимиз, шубҳасиз, иккала халқ манфаатларига мос бўлиб тушади, яқин келажакда ўз самараларини беради.

Шартнома имзолангандан кейин икки давлат Президентлари бу ерда ҳозир бўлган журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Шу куни кечқурун Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Сафар чоғида Президентга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлдилар.

Ў. МИРЗАЁР,
ЎзА мухбири.
Москва—Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

● Илгари хабар берилганидек, 28 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда ҳокимлар, вазирликлар ва идоралар, уюшмалар ва концернлар, бирлашмалар ва корхоналар, суд ва прокуратура, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда «1992—1993 йилларда республика корхоналарида энг зарур ашёвий моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан вазирлик ҳамда саноат корхоналарининг раҳбарлари республика аҳолиси учун зарур ва сифатли ашёвий моллар тайёрлашни кўпайтириш долзарб вазифа эканлиги тўғрисида, бу борадаги ютуқлар ва йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар ҳақида гапирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

— Бугун муҳим масалани муҳокама этмоқдамиз, — деди Ўзбекистон Президенти. — Истеъмол молларини ишлаб чиқариш асосий талаб бўлиб, уни умумий масалалар мажмуидан сира ажратиб бўлмайди. Халқимизнинг ана шу молларга эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилишимиз лозим.

Ишлаб чиқаришга эскича ёндашувга чек қўйиш керак. Бизнинг мақсадимиз равшан: ишлаб чиқаришни мукаммал йўлга қўйиш ва халқ учун кўплаб юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш. Токи, дўконларнинг пештахталаридан одамлар истаган молларини топа олишсин.

Мажлисда ишлаб чиқариш корхоналари ҳақида, уларнинг эртанги куни, ана шу корхоналар жамоалари олдида кўндаланг бўлиб турган муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида, бошқарувнинг ўзига хос шакллари замонавий технологияларни ишлаб чиқаришда кенг қўллаш, хусусийлаштириш масалалари, маҳсулот тайёрлашда маҳаллий ва иккиламчи ресурслардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳақида батафсил гапирилди.

Республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол молларини чет элларда валютага сотиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Чирчиқ капролактамини, хорижий мамлакатларга валютага сотиш ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди. Бунинг учун шу корхона филиалларини очиб, маҳсулот турларини кўпайтириш зарур.

Халқнинг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини республикадаги саноат корхоналарининг ўзида тайёрланадиган моллар ҳисобига қондириш керак. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Ҳамма гап улардан самарали фойдаланишдадир. Ишлаб чиқариш корхоналарига, уларнинг раҳбарларига иқтисодий эркинлик бериш кераклиги мажлисда алоҳида таъкидланди.

Мажлисда саноат корхоналари ўртасидаги алоқаларни барқарор йўлга қўйиш масаласи ҳам тилга олинди. Жумладан, республика корхоналарининг чет эл фирмалари билан ўзаро алоқаларни кенг йўлга қўйишлари зарурлиги айтилди. Баъзи саноат корхоналарида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетаётганлиги, мавжуд ички резервлардан етарли фойдаланилмаётгани ҳақида кескин танқидий фикрлар айтилди.

Сўзга чиққанлар республикада етук мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилаётганлигини, уларнинг билими жаҳон талаби даражасида бўлиши зарурлигини таъкидладилар. Шу мақсадда ёшларни хорижий мамлакатларга юбориб туриш учун кенг имкониятлар яратиб бериш лозим.

Ўзбекистон Президенти долзарб масалалар қандай ҳал этилаётганини ёритишда матбуотнинг ўрни ҳақида ҳам батафсил тўхталди, оммавий ахборот воситалари ишида йўл қўйилаётган камчиликларни таъкидлаб ўтди. Таассуфки, «Ўзбекистон овози» газетаси, айниқса, республика телевидениеси бу борадаги ўз вазифасини дуруст адо этаётгани йўқ. Хусусан, телевидение ўз дастуридан ишлаб чиқариш муаммоларига кам вақт ажратмоқда. Мусиқавий кўрсатувлар ҳаддан знёд кўп. Телевидение ходимлари корхоналарга онда-сонда боришади. Тошкентдаги самолётсозлик ва «Юлдуз» ишлаб чиқариш бирлашмалари иш тажрибаси ёритилмаётганлигини бунга далил қилиб кўрсатиш мумкин. Экран минбари бир хил тоифадаги одамларга бериб қўйилган. Телевиденнеда халқ, давлат манфаати биринчи ўринда бўлиши, ҳаёт нафаси сезилиб туриши керак.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этди.

(ЎзА мухбири).

КАЙФИЯТНИ КЎТАРДИ

● ЎзА мухбири матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қишлоқ хўжалик корхоналарини қўшимча қиймагдан солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги Фармонини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ғалла харид нархларини ошириш тўғрисидаги қарорини шарҳлаб беришни республика қишлоқ хўжалик вазири М. Исломовдан илтимос қилди.

— Республика раҳбариятининг бу муҳим тадбирлари деҳқонларимизнинг, деҳқончилик-саноат мажмуидаги барча меҳнаткашларнинг кайфиятини кўтаради, деб ишонч билан айтиш мумкин. Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси эса уларнинг фаровонлигига, деҳқонлар меҳнатининг самарадорлигига боғлиқ.

Бу ҳужжатлар жуда қийин шароитда қабул қилинганлигини ҳисобга олиш керак. Бу йил табиий офатлар натижасида қишлоқ хўжалигига, бутун иқтисоднётга катта зарар етди. Чигит ва бошқа экинларни икки, ҳатто уч марта экишга тўғри келди, кўп экинлар нобуд бўлди. Табиий офат оқибатларини тугатиш учун республика бюджетидан катта маблағ ажратилди. Шунга қарамай, Президентимизнинг ташаббуси билан ҳукумат қишлоқ хўжалик корхоналари ва хўжаликларни бюджетга солиқ тўлашдан озод қилиш имкониятини қидириб топди, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг истакларини эътиборга олмоқда. Шубҳасиз, янги иқтисодий омиллар натижа беради, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик етиштиришни кўпайтиришга олиб боради.

• Суҳбат шарҳ

Солиқлардан озод қилиш барча тоифадаги хўжаликларга, корхоналарга ўз эҳтиёжлари учун қўшимча маблағ сарфлаш имконини беради. Бу эса дастлабки ҳисобларга қараганда, деҳқончилик соҳаси ходимларининг иш ҳақини ўртача бир ярим баравар оширишга имкон беради. Масалан, ҳозир деҳқоннинг ўртача ойлик маоши 1300-1400 сўмни ташкил этаётган бўлса, эндиликда 2000 сўмгача етказилади. Ижтимоий-маиший шароитларни яхшилашга, яъни уй-жой, сув қувурлари қуришга, газлаштиришга ва, албатта, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўпроқ маблағ ажрата оламиз. Хуллас, республика даромадининг 40 фоизини бераётган тармоқ ходимлари ўз меҳнатларига яраша ҳақ оладиган бўладилар.

Ғалла харид нархларини ошириш тўғрисидаги қарор ҳам жуда вақтида қабул қилинди. Республикада дон етиштиришни кўпайтириш, тегирмон қуриш кампанияси бошланди, деҳқонлар ўз дони бўлишини хоҳлайдилар. Бунинг учун табиий шароитларимиз яхши. Лекин моддий-техникавий ресурслар нархи кескин оширилганлиги оқибатида бу истакни рўёбга чиқариш осон эмас. Масалан, ҳозир дон комбайни сотиб олишни иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликнинг ҳам ҳамёни кўтара олмайди.

Бироқ бутун Ўзбекистон халқига зарур бўлган жараённи тўхтатиш мумкин эмас. Вазирлар Маҳкамасининг бизнинг вазирлигимиз ва республика Молия вазирлиги таклифига биноан қабул қилган ғалла харид нархлари энг юқори даражасини ошириш тўғрисидаги қарори колхоз ва совхозларда, ижарачи жамоалар ва фермерларнинг далаларида дон етиштиришни жадал ривожлантиришга имкон беради. Эндиликда энг муҳими, ҳукуматнинг мазкур мададини, шу иқтисодий омилларни тўла-тўкис ишга солишдан иборат.

ЖАМҒАРМА ЙИҒИЛИШИ

Юқори малакали мутахассислар етиштиришга кўмаклашиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, чет мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган Улуғбек номидаги жамғарманинг йиғилиши бўлди.

Йиғилишда жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган вақт мобайнида муайян ишлар бажарилганлиги, жумладан, истеъдодли ўқувчилар, талабалар ва ёш олимларни рағбатлантириш мақсадида жамғарма стипендиялари таъсис этилганлиги, тажриба алмашиш учун хорижга юборилаётган ёш олим ва мутахассисларга пул ажратилаётганлиги айтилди.

Ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Жамғарма раиси А. Носиров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент давлат техника университетининг ректори О. У. Салимов жамғарма раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Кеча Фарғонада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. С. Эргашев «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг тўртинчи пленуми ва ХДП Фарғона вилоят ташкилотининг таъсис конференцияси қарорларининг бажарилиши тўғрисида» маъруза қилди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. А. С. Эргашев Олтиариқ райони ҳокими этиб тайинланганлиги муносабати билан ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Илгари ХДП Фарғона вилоят кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган А. А. Мирсалимов ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Илгари ХДП вилоят кенгашининг котибаси бўлиб ишлаган Г. М. Маъруфова ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Ўзбекистон ХДП Қўқон шаҳар кенгашининг биринчи котиби лавозимида ишлаётган Ф. Азимов айни пайтда ХДП Фарғона вилоят кенгашининг котиби этиб ҳам сайланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг пленумида ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Фарғона вилояти ҳокими Ғ. Ф. Фозилов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов вилоятда бўлган чоғида Олтиариқ ва Риштон районларида бўлиб, меҳнаткашларнинг турмуш шароитлари, уларни тўлқинлантираётган муаммолар билан танишди. Унинг вилоят бўйлаб қилган сафарида Фарғона вилояти ҳокими Ғ. Ф. Фозилов ва ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. А. Мирсалимовлар ҳамроҳлик қилишди.

(Ўз мухбиримиздан).

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН

● Фарғона шаҳар Қиргули район кенгаши қошида ХДП аъзоси бўлган халқ ноиблари гуруҳи иш олиб боряпти. Улар кенгаш секцияларида районнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид таклифлар билан чиқибгина қолмай, бошқа депутатлар ўртасида ана шу таклифларни қўллашни тарғиб ҳам қиляптилар, партия гуруҳи, шунингдек, район ҳокимиятининг кундалик ишида ҳам фаол иштирок этишмоқда. ХДП аъзоси бўлган ноиблар ҳокимиятда фуқароларни қабул қилиш жараёнида қатнашадилар, ҳокимият идорасида кечки навбатчиликни ҳам ташкил этишган. ХДП аъзоси бўлган район ҳокими В. Белоногов депутатлик гуруҳига яқиндан ёрдам беряпти.

Умуман, ХДП аъзоларининг шаҳар ҳокимияти фаолиятига ижобий таъсири кўпчилик томонидан тан олинмоқда. Турли байрамлар, маросимларни юксак савияда ўтказишда ХДП ҳудудий бошланғич ташкилотларининг маҳалла комитетлари билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалари диққатга сазовордир. Масалан, Қиргули районидаги 70-сайлов участкасида иш олиб бораётган ҳудудий партия ташкилоти бу ерда сиёсий ўқувлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхши йўлга қўйган. Партия ташкилоти ўз депутатлари орқали ҳоким ва унинг ўринбосарлари билан ўзаро ҳамкорлик қиляпти.

Аммо шаҳардаги барча ХДП бошланғич ташкилотларида ҳам иш ана шундай яхши кетяпти, деб бўлмайди. Бу соҳада қатор муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, шаҳар аҳолисини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашдаги нуқсонларни бартараф этишда бошланғич ташкилотлар етарли иш олиб бормаяптилар. Шаҳарда Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги Қонунини бажаришда ҳам жиддий нуқсонлар бор. Партиянинг оддий аъзолари, шунингдек, партиясиз фуқаролар ХДП аъзоси бўлган депутатларнинг меҳнаткашлар билан кам учрашаётганликлари, депутатлик ҳисоби бериш тадбирларини деярли ўтказмаётганликларини айтмоқдалар. Шунингдек ХДП фаолияти, унинг ташаббуслари ҳақида мавжуд оммавий ахборот воситалари орқали ахборот бериш кўнгилдагидек эмас.

Яқинда Фарғона шаҳрида вилоят шаҳар ва районлари партия кенгашлари котиблари ва ХДП ташкилотларининг ҳокимлар, ноиблар гуруҳлари билан иш олиб бориш мавзусидаги семинарда мана шундай масалалар ҳақида гап борди. Семинарда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Парламент ишлари ва партияларо алоқалар бўлими мудири Ш. И. Шоисломов, шу бўлим илмий консультанти Я. С. Уманский маъруза қилдилар. Семинарда шунингдек, ХДП Фарғона вилоят кенгашининг иккинчи котиби А. Мирсалимов, ХДП Наманган вилоят кенгашининг масъул ходими З. Воҳидов, ХДП Боғдод район кенгашининг биринчи котиби Д. Юсупова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Семинарда ХДП бошланғич ташкилотлари билан ҳокимият ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, партия аъзоси бўлган депутатлар гуруҳлари ишини фаоллаштириш, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар сони ва сифатини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Партия халққа хизмат қилади, унинг ташвиши билан яшайди, деган шиор эскирганг йўқ. Чунки Халқ демократик партияси халқнинг барча қатламларида тегишли қўллаб-қувватлаш ва мададга эгадир.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

● Бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, улар ишига яқиндан ёрдам бериш партия кенгашларининг муҳим вазифаларидан бири. Хўш, жойларда бу борадаги амалий ишларнинг аҳволи қандай! Ушбу масалага бўлган қизиқиш республикамиз пойтахтидаги «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасига етаклади.

КОРХОНА бошланғич партия ташкилоти котиби ҳузурига кирганимда Ўзбекистон ХДП Миробод район кенгашининг ходимлари: иккинчи котиб О. П. Провоторхова ва сиёсий ташкилотчи Л. И. Кушеваларни учратдим. Улар бошланғич партия ташкилоти котиби Ў. Худойберганов билан суҳбатни эндигина якунлашган экан.

— Районимизда 2200 ХДП аъзосини бирлаштирган 122 та бошланғич партия ташкилоти бор, — деди О. Провоторхова. — Улар орасидаги энг жанговари ва йирикларидан бири «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотидир. Шуниси қувончлики, тажрибали Ўринбой ака Худойберганов унга етакчилик қилмоқда. Шу боис у билан тез-тез учрашиб, ҳаёт ўртага қўяётган масалалар бўйича маслаҳатлашишга, турли саволларга биргаликда жавоб топишга интиляпмиз. Тўғри, ҳозир ҳеч кимга осон эмас, лекин тушкунликка асло ўрин бўлмаслиги керак. Энг муҳими одамларга далда бериш, уларнинг кўнглини кўтариш лозим. Ҳозирги қийинчиликлар ўткинчи бир ҳолдир. Шу боис жойларга тез-тез чиқиб одамлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Зеро, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўз олдига қўйган асосий вазифаси республикамиз меҳнаткашларининг бахт-саодати ва фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир.

Бирлашмада одамлар тўғрисидаги ғамхўрлик, улар оғирини енгиллатишга қаратилган ишлар билан яқиндан танишдик. Бу борада бошланғич ташкилот олиб бораётган ишлар эътиборга лойиқ.

Район партия кенгаши иккинчи котиби ҳақ гапни айтди. Кўп миллатли жамоага эга бўлган «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат аҳли тўғрисида чинакам ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунда бошланғич партия ташкилотининг ҳиссаси ҳам катта. Жамоадаги 152 партия аъзоси ҳамма ишда бош-қош бўлаётир.

— Ташкилотимиз партия Низоми асосида иш юритмоқда, — деб гап бошлади Ўринбой Худойберганов. — Насл-насаби, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар меҳнаткашлар манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қиляпмиз. Шу боисдан ҳам 41 миллат вакиллари меҳнат қилаётган жамоамизда Халқ демократик партиясига ишонч тобора ортмоқда. Партия сафига киришга ариза бераётганлар кўп. Лекин партияга қабул масаласида ташкилотимизнинг 14 кишидан иборат ташаббускор гуруҳи масъулият ва талабчанлик кўрсатмоқда. Жамоамизнинг тажрибали, обрўли ва фидокор кишилари сафимиздан ўрин олаётгани ҳам бежиз эмас. Яқинда чилангар Б. Маткаримов, ишчи Е. Леонтева, катта уста Г. Охотникова ХДП аъзолигига қабул қилиндилар.

Партия ташкилоти аъзолари бирлашма меҳнат жамоасини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. 28 нафар кишидан иборат бўлган корхоналар кенгаши бу соҳада муҳим роль ўйнамоқда. Кенгаш аъзоларининг 21 нафари ХДП аъзосидир. Бирлашмада меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги таркиби жорий этилди. Партия ташкилоти ва касаба уюшмаси ташаббуси билан маъмурият томонидан ошхонада арзон овқатлар ҳам тайёрланиши жорий этилди. Бундан ташқари озиқ-овқат дўконида шартномавий асосда арзон нархда сабзавотлар келтирилиб ишчиларга сотилмоқда. Ушбу тадбирлар ҳар бир ишчи учун оз бўлсада, баҳоли қудрат мададдир.

Бирлашмада Наврўз байрами, Ҳайит кенг нишонланди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан бу йил илк бор пасха байрами корхонада дам олиш куни, деб эълон қилинди. Меҳнат аҳли шу ҳисобига бошқа дам олиш куни ишлаб бердилар. Хуллас одамлар тўғрисида қайғуриш, уларга бўлган эътибор бирлашмада ХДПнинг обрўси ошишига хизмат қиляпти.

Бошланғич партия ташкилоти жамоа аъзолари ўртасида партия Дастури ва Низоми тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришда бирлашма рўзномаси ва радиоузелидан самарали фойдаланмоқда. Шунингдек, турли мавзуларда мунозараларга кенг ўрин берилмоқда.

— Одамлар фикрига қулоқ тутиш, уларнинг ўй-ташвишларига шерик бўлиш ташкилотимизнинг муҳим вазифаларидан биридир, — деб таъкидлайди Ў. Худойберганов. — Аҳволни чуқур ўрганмасдан туриб қайси масалага эътиборни қаратишни аниқлаб олиш мушкул бўлади. Шунинг учун тадбирларимизнинг меҳнат аҳлига маъқул келаётгани ҳам бежиз эмас.

Республикамиз мустақилликка эришгач, одамларнинг сиёсий фаоллиги янада ортди. Уларнинг ҳаёт ўртага қўяётган кўпдан-кўп масалаларга бўлган қизиқиши катта. Очиғини айтганда, баъзан одамларнинг айрим саволларига жавоб беришга ҳам қийналасан киши. Бунинг сабаби етарли ахборотнинг йўқлигидир. Чунончи одамларни кўпинча турли сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва воқеалар тобора кўпроқ қизиқтирмоқда. Ҳолбуки, шулар тўғрисида кўлингда етарли маълумот бўлмагандан кейин ўзингни ожиз ҳис қиласан. Шунинг учун ХДП Марказий Кенгаши ахборот масаласини йўлга қўйиши фойдадан ҳоли бўлмасди. Бу — давр талабидир. Бунга етарли баҳо ва эътибор бермаслик партиянинг омма билан алоқаси сусайишига, унинг обрўси тушиб кетишига олиб бориши мумкин.

А. РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

● Урганчда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши ижроия бюроси ҳамда жумҳурият Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси фаолларининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома» муносабати билан Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси биргаликда белгилаган тадбирлар ҳақидаги масала муҳокама этилди, ХДП вилоят ташкилотларининг кадрлар резервини Ёшлар иттифоқи фаоллари ҳисобига ўстириш ғоялари илгари сурилди.

Шунингдек, йиғилишда «Урганч шаҳар кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари тизимини такомиллаштириш ва партия аъзоларини ҳисобга олиш тажрибаси» ҳамда «Хонқа район партия ташкилотининг ХДП Низоми талаблари асосида партия бюджетини маблағлар билан таъминлаш борасидаги фаолияти ҳақида»ги масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилиш ишига Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов якун ясади.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЎЗБЕКИСТОН—БАҲРАЙН

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

29 май куни Ўзбекистонга Баҳрайн давлатининг делегацияси келди. Делегацияга шу араб мамлакатининг Саудия Арабистонидаги фавқулодда ва мухтор элчиси шайх Исо бин Муҳаммад ал Халифа бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов қабул қилди. Бўлиб ўтган самимий, дўстона суҳбат чоғида у меҳмонларга мустақил Ўзбекистоннинг бугунги куни, унинг дўстликни мустаҳкамлашга, барча мамлакатлар билан ишонч муносабатлари, ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган ташқи сиёсати ҳақида сўзлаб берди. Вазир араб мамлакатлари билан муносабатлар Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга моликлигини таъкидлади. Ўзбекистон халқинч араб мамлакатлари билан азалий тарихий илдизлар, маданият ва дин бирлиги боғлаб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда Саудия Арабистонига ташрифи араб дунёси қадриятларига ҳурмат-эҳтиромни, араб дунёси билан ҳилма-ҳил алоқаларни мустаҳкамлаш муддаосини тўла-тўкис намойиш этди.

Меҳмонлар самимий кутиб олинганликлари ва меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдирдилар. Улар икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришни маъқуллаб гапирдилар.

У. А. Абдураззоқов билан шайх Исо бин Муҳаммад ал Халифа тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги қўшма протоколни имзоладилар.

(ЎзА).

БОБУР ҚАДАМЖОЛАРИ БЎЙЛАБ

Андижонда Бобур номли халқаро илмий экспедицияни сафарга кузатишга бағишланган йиғилиш бўлди. ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров йиғилишда бундай деди:

— Илгари хабар қилинганидек, Бобур экспедицияси Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси, Бобур академияси ҳамда Бобур номида мукофот таъсис этиш, 1993 йилда Бобур Халқаро симпозиумини ўтказиш ҳамда Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Вилоятда Бобур номини улуғлаш борасида анча ишлар амалга оширилди. Андижон шаҳридаги «Бобур Арки»да унинг музейи очилди, бу ердаги ҳунармандчилик комплекси таъмирланди. Бобур майдонига унинг от минган ҳайкалини ўрнатиш, Боғишамолда Бобур боғини яратиш ишлари қизғин тус олди. Ҳакам қишлоғида қадимий Бобур дарвозасини тиклашга киришилди. Шоир қадами етган Хўжаобод ноҳиясида ҳам бир қатор бунёдкорлик ишлари бошланди. Келгусида бу ерда Бобур номли маданий марказ барпо этилади.

Кузатиш маросимида экспедиция президенти, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий марказининг бош директори З. Машрапов, вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси Т. Каримова, Бобур номли Андижон давлат дорилфунуни ректори вазифасини бажарувчи Қ. Парпиев, вилоят ҳокимининг муовини О. Комилжонов ва бошқалар экспедиция Бобур бўлган жойларга бориб, унинг меросини илмий жиҳатдан ўрганиб келиши ҳақида гапирдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ.

ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Президентининг Фармонига мувофиқ республикада Ижодкорлар жамғармаси тузилган эди. Яқинда Тошкентда ушбу жамғарманинг биринчи таъсис конференцияси бўлди. Делегатлар жамғарма таъсис конференциясини тайёрлаш ва уни ўтказиш ташкилий комитетининг ахборотини тингладилар.

Конференцияда жамғарманинг Низоми асос учун қабул қилинди. Жамғарма ҳайъати ва унинг раиси сайланди. Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми Б. Жалолов ижодкорлар жамғармасининг раиси бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров ва Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

(ЎзА).

«АВАНГАРД»—60 ЁШДА

Яккабоғ район ижтимоий-сиёсий рўзномаси — «Авангард» 60 ёшга тўлди. Шу муносабат билан рўзнома таҳририятида тантанали йиғилиш бўлди. Уни Ўзбекистон ХДП район кенгашининг котиби Ф. Юсупов очди. Бир йиғилиш охирида рўзнома муҳаррири Г. Раҳматовни суҳбатга тортдик.

— 60 йил давомида район меҳнаткашларининг севимли рўзномасига айланган «Авангард» иқтисодий танглик ҳукм сураётган ҳозирги кунларда ҳам давр билан ҳамнафас бўляпти, — деди у. — Энди демократия ва ошкоралик шароитида ҳар бир нарса ўз номи билан юритилади. Рўзномамиз ҳам навбатдаги сондан бошлаб «Яккабоғ овози» номи билан чоп этилади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ.

ОВРЎПО САРИ ЙЎЛ



«УЗИНТРАНС» ХАЛҚАРО ЮК ТАШИШ КОРХОНАСИ ХИЗМАТ КЎЛАМЛАРИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

● Ҳамкорлик чорраҳалари
● Корхонада божхона
● Чет тилини биласизми?
● Марҳамат, юкни қабул қилинг!

Республика Автомобиль транспорти вазирлигига қарашли ушбу корхона уч йил муқаддам илк фаолиятини бошлаганда, айрим мутахассислар унинг истиқбол йўлига ишонишмаганди. Ҳатто фойдадан кўра кўпроқ зарар келтириши ҳақида фикрлар билдирилганди. Очиғи, бундай ҳадиксирашга ўша пайтда асос бор эди. Негаки, «марказ» ҳали ўз таъсирини йўқотмаган, жумҳуриятларнинг эркин ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Шундай бир мураккаб шароитда «Ўзхоржиҳтранс» корхонаси («Узинтранс») вакиллари ҳамкорлик сари дастлабки қадам қўйишди. Хитой фирмаси билан ўзаро фойдали битим имзоланди. Унга кўра, юк ташувчилар фирманинг Ўзбекистонда харид қилган маҳсулотларини Хитойнинг Урумчи шаҳрига элтиб берадиган бўлишди. Кейинроқ ўзбекистонлик ҳайдовчилар қўшни Афғонистонга ҳам юк ташишни йўлга қўйдилар. Тўғри, бошланиши бироз қийинроқ кўчди. Дейлик, хорижга чиқиш учун «марказ»нинг юқори идораларидаги тўсиқларни енгиб ўтишга, виза масаласида анча елиб-югуришга тўғри келди.

— Ният холис бўлса, иш ўз-ўзидан юришаверкан, — дейди «Ўзхоржиҳтранс» автокорхонаси директори Ботир Қосимов. — Мана, эртанги кунга ишониб қилган саъй-ҳаракатларимиз бугун натижасини беряпти. Ҳозир жаҳоннинг турли мамлакатларидаги фирмалар, хусусий шахсларга, қисқаси, ишбилармонларга хизмат кўрсатяпмиз. Кўпчилик хизматимиздан миннатдор. Зотан, юк ташиш бўйича олинган буюртмаларни тез ва соз бажаряпмиз. Шу боис бизга ишончли ҳамкор сифатида қараб, мурожаат қилаётганлар сони ошиб бормоқда.

Дарҳақиқат, автокорхона хизматидан фойдаланишни истаётган буюртмачилар бисёр. Уларнинг рўйхатида МДҲдан тортиб, Осиё давлатларигача бор. Яқинда бу рўйхат яна бир мунча кенгайди. Ўзбекистонлик транспортчилар Европа қитъаси мамлакатлари сари йўл олишди. Эндиликда Болгария, Польша, Венгрия, Чехословакия, Австрия, Греция ва Италия сингари давлатлар ҳам «Ўзхоржиҳтранс» хизматидан фойдаланишмоқда.

Хорижий фирма ва ташкилотлар юк ташишда бажарилган буюртма ҳақини валюта ҳисобида тўлашяпти. Автокорхона республика миллий банкида ўз ҳисобсчётини очган, четдан топилган пул шу ҳисобга келиб тушади. Албатта, ушбу маблағнинг бир қисми жумҳурият бюджетига ўтказилади. Илгари аҳвол ўзгача эди. Ўзбекистон транспортчилари меҳнати эвазига топилган чет эл валютаси тўғридан-тўғри собиқ СССР Ташқи иқтисодий алоқалар банкига ўтарди. Дейлик, 76 фоиз фойда Иттифоқ бюджетига тушарди. Ўртада яна марказ фойданинг «қаймоғи»ни олиб кетарди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бунга чек қўйилди.

Бироқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши транспортчиларга анча қимматга тушди. Негаки, СССР тугатилгандан сўнг, унинг ташқи иқтисодий алоқалар банки касод (банкрот)га учради. Натижада «Ўзхоржиҳтранс» учун чет эл фирмаларидан ушбу банк ҳисобига ўтказилган 380 минг Америка доллари, 3 миллион 600 минг ҳинд рупиялари «музлатиб» қўйилди. Тўғри, эски Иттифоқ банки ворислик ролини Россия банки ўз зиммасига олди. Лекин бу банк ҳам Ўзбекистон транспортчилари валюта пулини қачон қайтиб бериши номаълум.

Автокорхона маъмурияти кейинги фаолиятида бундай тушунмовчиликларга йўл қўймаслик мақсадида жумҳурият миллий банки билан валюта операцияларини ўтказиш тартибини келишиб олди. Яқиндан бошлаб эса республика божхонаси вакиллари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилди. Корхонанинг ўзида божхона вакиллиги очилди. Ҳозир бу ерда хорижга чиқариладиган юклар назоратдан ўтказилиб, тегишли рухсатнома бериляпти.

Йўл қоғозларини расмийлаштиришдаги ушбу енгиллик ишнинг осон кўчишига ёрдам бермоқда. Биринчидан, анча вақт тежаляпти. Иккинчидан, жумҳурият ҳудудидан юк берухсат олиб чиқиб кетилишига ишончли тўсиқ қўйилмоқда. Албатта, ҳали бу иш камчиликлардан ҳоли эмас. Масалан, дейлик, чет элга бориш учун виза олишда қийинчиликлар мавжуд.

Маълумки, кўпчилик давлатлар Ўзбекистон билан ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатишни эндигина йўлга қўйишяпти. Ўзбекистон мустақиллигини тан олган мамлакатларда икки томонлама элчи ва консулхоналар ҳали деярли очилгани йўқ. Шу сабаб, бизда виза масаласини яна илгаригидек Москва орқали ҳал қилишга тўғри келяпти. Юқоридаги қийинчиликларга қарамай, транспортчилар хориж билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга эътиборни кучайтиришмоқда. Айниқса, қўшни Афғонистон жумҳурияти ишбилармонлари билан алоқалар ривож топмоқда.

Яқинда бу мамлакатнинг «Валид ЛТД» фирмаси билан «Ўзхоржиҳтранс» ҳамкорлигида Тошкентда «Ўзафғонсавдотранс» қўшма корхонаси ишга туширилди. Мазкур корхона эндиликда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида савдотранспорт алоқаларини ривожлантиришга хизмат қиляпти. Унинг ихтиёрида 40 та «СуперМАЗ» маркали юк автомашиналари бор. Тез орада бу машиналарни Ғарбий Европадаги фирмалар юк машиналарига алмаштириш, Термиз ва Мозори Шарифда қўшма корхонанинг филиалларини очиш кўзда тутилмоқда.

Дарвоқе, «Ўзхоржиҳтранс» вакиллари чет элнинг «Ивеко» ҳамда «Мерседес Бенц» фирмалари билан ҳам ҳамкорликни кенг йўлга қўйишга интиляпти. Ушбу фирмалардан 50 та юк машинасини лизинг усулида харид қилишга келишиб олинган. Ўзбекистон миллий банки транспортчиларга ёрдам сифатида Германиянинг «Дрезднер банки»га 5,5 миллион Америка доллари ҳисобида кафолат қоғози берди. Бу — янги юк машиналари тез орада ўзбек ҳайдовчилари ихтиёрида бўлади, деган гап.

— Биласизми, МДҲ давлатларидан кўра хориждан замонавий техника воситаларини харид қилиш бизга нисбатан арзон тушяпти, — дейди корхона бош муҳандиси Равшан Муҳаммадраҳимов. — Ҳозир Минск заводидан сотиб олаётган «СуперМАЗ» маркали юк машиналарининг ўртача нархи 2 миллион сўмга тўғри келяпти. Ваҳолонки, бу машиналарнинг биттасини икки йил олдин 30 мингга харид қилганлик. Эҳтиёт қисм ва шиналарни айтмаса ҳам бўлади. Нархи 30—40 барвараг ошиб кетган. Дейлик, «Ивеко» фирмаси юк машиналарига келсак, нархи бироз қиммат бўлса-да, узоқ масофаларда юк ташишда унга тенг келадигани йўқ. Мақсад — намунали хизмат қилиш бўлгандан кейин бундай машиналардан кўпроқ фойдаланганимиз маъқул.

Қисқаси, «Ўзхоржиҳтранс» бугунга келиб, самарали фаолият кўрсатишнинг ойдин йўлига тушиб олган. Ҳозир корхонага ҳайдовчилар танлов асосида қабул қилинаётир. Дейлик, 10 йиллик шофёрлик стажига эга бўлган, у ёки бу чет эл тилини биладиган кишиларгина корхона жамоаси сафидан жой олиши мумкин. Шу ўринда айтиш керакки транспортчилар учун барча шароитлар муҳайё. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона маъмурияти ишчи-хизматчиларни ҳимоя қилиш чораларини босқичма-босқич амалга ошираётир. Ҳайдовчилар 2,5—3 минг сўм атрофида ойлик маош олишяпти. Тушлик овқатга 300 сўмдан товон пули берилмоқда. Ўтган йили корхона маъмурияти транспортчилар учун 10 тонна шакар, 10 тонна музлатилган гўшт (тушенка), 100 тонна картошка сотиб олиб арзон нархларда тарқатди. Тошкент шаҳар Бектемир районидаги «Бўғирсоқ» болалар боғчаси оталиққа олиниб, унинг кичкинтойларига моддий ёрдам кўрсатилди. Ушбу райондаги мачит қурилишига эса 25 минг сўм ҳайрия пули ажратилди.

Корхона раҳбарларининг тадбиркорлиги туфайли ишлаб чиқариш ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳозир бу ерда 20 минг куб метр сиғимли омборхона қуриляпти. Ремонт-техника базасини қуриш бошлаб юборилган. Яқин истиқболда эса маиший хизмат бинолари, меҳмонхона барпо этиш ҳам кўзда тутиляпти.

Куни кеча корхона бўйлаб янги хушхабар тарқалди. Транспортчилар маъмурияти бу ерга ҳамкорлик қилиш ниятида келган хитойлик ишбилармонлар билан фойдали битимни имзоладилар. Унга кўра, Умумихитой «Авиатехноимпекс» бирлашмаси «Ўзхоржиҳтранс» билан биргаликда Тошкентда яна бир қўшма корхона ташкил этадиган бўлди. Ушбу қўшма корхона келажакда Ўзбекистондан Хитойга ва, аксинча, Хитойдан Ўзбекистонга тегишли юкларни ташишда беминнат хизмат кўрсатади.

Корхона раҳбарларининг айтишича, автокорхона фаолияти бу билан чегаралланмайди. Улар бутун Евроосиё қитъаси мамлакатларига хизмат кўрсатишни мақсад қилиб қўйишган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳайдовчилари жаҳон транспорт хизматида муносиб ўрин эгаллашга интилмоқда. Бу, албатта, мустақил Республиканинг жаҳон ҳамжамияти сари илк қадамлар ташлаётганидан далолат.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Суратларда: юқорида: 1. Корхона директори Ботир Қосимов. 2. (ўнгдан чапга) колонна бошлиғи Рустам Абдуллаев ҳайдовчилар М. Ўлмасов, Р. Абдуллаев, Ж. Турсунов ва В. Листковлар билан мулоқотда. 3. Навбатчи механик Ш. Умаров ҳайдовчи М. Ўлмасовга хорижий сафар олдидан йўл-йўриқлар беряпти.

М. БОЛТАБОЕВ олган суратлар.

ХАЛҚ ШОИРАЛАРИНИ ҚУТЛАМОҚДА

Халқимизда тўй устига тўйлар бўлсин, деган ажиб бир нақл бор. Шунданми, Ойдинхоннинг тўйига Ҳалимаойнинг шодлиги уланиб кетди.

Куни кеча Ойдин Ҳожиева ва Ҳалима Худойбердиевага «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонлари берилиши муносабати билан журналистлар уларни қизғин кутладилар. «Шарқ» нашриёт — матбаачилик концерни клубида ўтказилган бу учрашув нафақат икки ижодкорнинг, балки республикамиз барча қалам аҳлининг байрамига айланди.

Учрашувлар, учрашувлар... Ўзбек диёри икки ҳассос шоираси, шеърият осмонида чарақлаган қўш юлдузи бахт-иқболини ўзиникидай қувониб байрам қилмоқда. Уларни **«чарақлаган юлдузларни кафтга олмоқ керакдир»** дея шоираларимиз орзу қилганларидек бошига кўтармоқда.

...Бунгача қанча меҳнат, қанча заҳмат чекмади бу ижодкорлар.

Кўкка учмоқ бўлса ким,
Аввал ерда ёнади.

деб ёзган эди бир пайтлар Ойдинхон.

Ҳа, **«қанча пасту баланд йўллар. қор аралаш дўллар»** ортда қолди.

Митти юраккинам, туғён кўтаргин,
Дамлар ҳиёнаткор, учиб ўтарким...

дея яхшиликка, эзгуликка шошилди Ҳалима.

Улар шу куйи серташвиш дунё бағрига сингиб кетдилар. Бири:

Ишчи бармоқлари узук кўрмаган,
Байрамларда ясан-тусан билмаган...

қишлоқ аёллари жонига малҳам излади. Бошқаси ўшалар учун азбаройи куйинганидан ўзи ҳам ўша дард билан оғриб қолди ва **«юрагимнинг оғриқ нуқталари»** дея оламга жар солди. Ўзбек тили софлиги, бошимиз узра чарх уриб чирқиллаётган қадриятларимиз руҳи, тарих сабоғию Афғон, Орол нидолари, мустақиллик орзуси-ю эркинлик тафти... Мана шоираларимиз юрагининг оғриқ нуқталари. Ҳамма-ҳаммаси уларнинг қон томирларидан сизиб юракларига қуйилди. Кейин эса вулқон бўлиб отилди...

Бу ғоялар нафақат шеърий мисраларда, балки публицистик сатрларда янада сайқал топди. Улар шоираларимиз муҳаррир бўлган «Саодат» ва «Гулхан» журналлари саҳифалари орқали хонадонларимизга кириб келмоқда.

Агар, агар: Шу аҳволда кетсак дунёдан,
Қўшиқ бўлиб янграмасдан, қушдек сайрамай,
Суронларга, курашларга ўзни қайрамай,
Вулқон бўлиб отилмасдан, ўтсак дунёдан.
Яшинга дуч келган ниҳол, хайф кетган жондир, армон, армондир.

дея куйлаганингиз эсингиздами, Ҳалима!

Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтмади! Сизлар туфайли қанчадан-қанча эзгуликлар кўклам кўрмади! Сиз улуғвор замонамизнинг улуғвор шоираларига айландингиз. Шундай экан, сизда армон недир, афсус не!

Дилбар МАҲМУДОВА,

Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

Даврон Аҳмад суратлари.

ЯПОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида 29 май куни Япония ҳукумат делегацияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кўп масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосарлари А. И. Возненко, К. Ж. Ҳаққулов ҳамда Япония саноат ва ташқи савдо вазирларининг ўринбосарлари Акихиро Масуда билан Кейжи Сокуба иштирок этдилар. Ошкора ва дўстона суҳбатда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида мустаҳкам амалий ҳамкорлик йўллари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ёш давлатнинг жаҳон бозорига чиқиши учун кенг истиқболлар очилгани таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон табиий хом ашё ресурсларига бой давлатдир. Бу ерда саноат корхоналарининг кенг тармоғи барпо этилган ва ишлаб турибди. Давлат монополиясидан чекиниш, ишбилармонлик тўғрисида Қонун қабул қилиниши иқтисодий имкониятларни самарали тарзда оширишга, маҳсулотларнинг сифат жиҳатидан янги турларини ўзлаштириш ва кўплаб ишлаб чиқаришга имкон беради.

Ҳозир Ўзбекистонда хорижий фирмалар ва компаниялар билан барпо этилган ўнлаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Афсуски, учрашувда таъкидлаб ўтилганидек, жаҳондаги иқтисодиёти ривожланган етакчи давлатлардан бири Япония билан ҳамкорлик эндигина бошланмоқда. Шу сабабли Япония иқтисодиётни ривожлантириш илмгоҳи, МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатлари билан савдо уюшмаси, халқаро савдо ташкилоти, «Кавасаки» металлургия корпорацияси, Япония миллий нефть корпорацияси, «Ниппон коеи ко ЛТД», «Техно консультантст ИНК», «Чори ко ЛТД» ва бошқа фирмалар каби жаҳонга машҳур ташкилотларнинг вакиллари бўлмиш ишбилармонлар катта гуруҳининг Ўзбекистонга келиши тағин ҳам мустаҳкамроқ ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш учун имконият яратиб бериши керак.

Металлургия, нефть саноати ва енгил саноат қўшма корхоналарининг кенг шохобчаларини барпо этиш, ҳам Ўзбекистонда, ҳам Японияда савдо уйлари ташкил этиш муносабатларни мустаҳкамлашнинг самарали воситаси бўлиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

Янон мамлакати делегациясининг вакиллари республика иқтисодиётидаги ишларнинг аҳволи билан яқиндан танишиш, йирик саноат корхоналарини бориб кўриш истагини билдирдилар.

Меҳмонлар Олмалиқ конметаллургия комбинатида бўлдилар, «Ўзбекнефтегаз», «Ипак», «Ўрта Осиё кўмири» концернларининг мутахассислари билан учрашдилар, бир қанча вазирликлар ва идораларга, геология музейига ва Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига бордилар.

Япония делегацияси раҳбарларидан бири Акихиро Масуда ЎзА мухбири билан суҳбатида таъкидлаганидек, савдо-саноат доиралари намояндаларининг Ўзбекистонга келишидан асосий мақсад иқтисодиётнинг аҳволи билан танишишдан, республика бозор муносабатларига ўтиш даврида дуч келаётган муаммоларни ўрганишдан иборат. Ў ўзаро манфаатли ҳамкорлик иккала мамлакатга ҳам зарур, деган ишончни билдирди. Иккала мамлакат манфаатлари бирбирига мос келадиган соҳалар эса жуда кўп.

Республиканинг етакчи вазирликлари, идоралари, концернлари раҳбарлари ҳам Япония делегацияси аъзолари билан учрашдилар.

(ЎзА).

• ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ФАН

ИСТИҚЛОЛ ТАФАККУРИ

● Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишда оғир дамларни бошидан кечирмоқда. Бунинг сабаблари бор, албатта. Шулардан бири пухта тайёрланмасдан бозор иқтисодиётига зудлик билан ўтиш мафкурасининг олға сурилишидир. Иккинчидан, эса мамлакатда юз берган сиёсий ўзгаришлардир. Яъни, парчаланган СССР манбаида мустақил давлатларнинг таркиб топиши бўлди. Шундай қилиб мустақил сиёсат юритиш имконияти туғилди.

Жумҳуриятимизда барқарорликни ва аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган амалий тадбирлар ўз натижаларини бермоқда. Шу билан бирга ҳали ечилмаган масалалар ҳам кўп. Мустақилликни мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига ўтиш йўлларидан бири энг аввало, ҳалол меҳнат ва мустаҳкам интизомдир. Бу борада бошқа ажнабий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, маъқул даражада ўз шароитимизда қўлланиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, Туркиянинг кейинги йилларда ривожланишдаги «мўъжизаси» таҳсинга сазовор. Бугунги кунда йиғилиб қолган қатор муаммоларни ҳал қилиш зарурати Туркия андозасини бизнинг шароитимизда оқилона татбиқ этишни тақозо этади.

Айни вақтда ҳар бир мамлакатнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжудки, тараққиёт йўли дастурини белгилаганда уни ҳисобга олмаслик мумкин эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Умуман, бозор иқтисодиёти андозаси ва унинг талаблари механизми мазкур тизимга ўтувчилар учун деярли бир хил кўринишда бўлади. Лекин бу андозани амалга ошириш даражасига ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари катта таъсир кўрсатиши, шубҳасиз. Бу талаблар ҳисобга олинмаса ҳар қандай андоза ҳам ўз имкониятларини тўла сафарбар этишга ожизлик қилади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий тараққиёт жараёнида унга монанд тафаккурнинг ташкил топишида, уни инсон онгига сингдиришда ва шу туфайли унинг куч-қудратини буюк ишларга сафарбар этишда илм-фаннинг, айниқса, ижтимоий фанларнинг хизмати беқиёс.

Кейинги ўн йилликлар ичида жамиятимиз тараққиёт жараёнини ўрганиш, ҳозирги танглик ҳолатга олиб келган бир қанча муҳим зиддиятларни етардича аниқлаб олиш зарур. Булар асосида, энг аввало, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражасининг мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари характерига номувофиқлиги ётади. Бу вақт ўтиши билан тобора чуқурлашиб борди. Биз ҳозирги кунда турғунлик ва қайта қуриш деб атаётган йиллар мобайнида бу номувофиқлик янада кучайди. Бу даврда иқтисод жўшқинлиги тобора йўқолиб борди. Амалда сарф-харажатларга зўр берилди. Устига-устак шундай жараёнларга йўл очиб берилдики, улар узоққа чўзилган озиқ-овқат танқислигига (халқ истеъмол моллари танқислиги ортишига) олиб келди. Инфляция жараёни кучайди. Пулнинг қадр-қиммати пасайди. Нарх-навони тинмай ислоҳ қилиш халқнинг фаровонлигига салбий таъсир кўрсатди. Булар ўз навбатида ўзаро иқтисодий алоқаларга путур етказди. Натижада истеъмол бозори тамомила номутаносиб ҳолга тушиб қолди. Бу эса мамлакатдаги ижтимоий вазиятни, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириб юборди. Бинобарин, бундай ҳолатга тушиб қолишнинг ҳақиқий сабабларини аниқламай туриб ундан қутилишнинг пухта механизмини ҳам ишлаб чиқиш мумкин эмас. Бунинг сабаблари кўп. Аммо менинг назаримда, энг асосий сабаб урушдан кейинги йиллардан бошлаб СССР тарқалишигача бўлган давр ичида мамлакат тараққиётига омилкорлик билан раҳбарлик қилинмаганлигидир. Қолаверса, ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасидаги ўзгаришларни яхши идрок қилиш учун халқнинг тафаккури, маънавий-руҳияти етарли даражада тайёр эмаслигини ҳисобга олмаганликдадир.

Эътироф этиш керакки, мамлакатда юзага келган ноҳуш ҳолат илм-фан тараққиётига ҳам салбий таъсир этди. Бундай шароитда ижтимоий-гуманитар фанлар ўз йўналиши ва мўлжалини йўқотиб қўйди.

Бинобарин, шундай шароитда бизнинг ижтимоий-гуманитар фан арбоблари ўз изланиш натижаларига танқидий кўз билан қарашлари лозим. Чунки биз хаёлпарастларнинг чала-чулпа пишиб етилмаган тадбирлари қандай ноҳуш оқибатларга олиб келишини ўз вақтида атрофлича таҳлил қилиб, огоҳлантирмадик. Биз юз бераётган воқеаларни олдиндан чамалашга қодир бўлолмай, уларнинг кузатувчилари бўлиб қолдик. Шошма-шошарлик, талаблар тазйиқи остида ҳали чуқур ўрганилмаган, пишиб етилмаган тавсиялар таклиф этиш анъанага айланди. Натижада, айниқса, фалсафа, тарих, иқтисодиёт, юридик фанларининг айрим соҳалари ўз фундаментал йўналишларининг жиловини йўқотиб қўйди. Шу туфайли кўп ҳолларда юзаки ишлар амалга оширилди. Бу оғир шароитда институт раҳбарлари олдида чуқур изланишлар эмас, қандай қилиб жамоани сақлаш, уни ижтимоий ҳимоя қилиш ташвишлари кўндаланг бўлди. Бу гапларни очиқдан-очиқ айтиш керак. Айрим олимлар шундай ҳиссиётларга берилиб кетдиларки, уларнинг орасида фанни унутиб юборганлари ҳам йўқ эмас. Бу оқибатда фаннинг атрофлича, бир меъёрда ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Қолаверса, ҳозирги ижтимоий ривожланиш талаблари билан фаннинг имкониятлари ўртасида вужудга келган жиддий зиддиятни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Фаннинг йўналишлари ва уни ташкил этиш услублари институтларимизда бешўн йил аввал эски мафкура асосида олиб борилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда эса фанга талаб бошқача. У бозор иқтисодиёти мафкураси асосида тез-тез ўзгариб бораяпти. Натижада илгари бажарилган кўпчилик ечимларга кун сайин эҳтиёж камаймоқда. Бундай янги шароитга ўрганиш жараёни эса жуда қийинчилик билан юз бераётир. Бинобарин, янги изланишларга шаклан интилишлар сезилса-да, аммо бу жараён мазмунан машаққатли кечмоқда. Чунки уларни кадрлар билан таъминлашда катта қийинчиликлар туғилмоқда. Ўз навбатида юқори малакали кадрларнинг кўпайиши илмий ечимлар даражасининг кўтарилишига сезиларли таъсир кўрсатмаяпти. Бу ихтисослашган кенгашлар олдига янгича талаблар қўймоқда. Чунки бу кенгашларнинг ишларида анча нуқсонлар бор. Талабчанлик юқори даражада эмас. Ҳозирги кунда фан тараққиётидаги хунук жараён ижтимоий фанларни коммерцияга айлантиришга уриниш. Шу орқали қўшимча даромад ундиришга интилишдир. Шубҳасиз, ҳозирги ҳаёт жамғарма тўплашни инкор этмайди. Лекин бу жараён истеъмолчилик руҳида эмас, балки фан қадриятларини эъзозлаш асосида, жамоа аъзоларининг манфаатини кўзлаган ҳолда амалга оширилмоғи лозим. Фақат бундай имкониятлардан бир гуруҳ ходимларгина баҳраманд бўлишлиги инсофдан эмас, албатта. Бундай ишбилармонликнинг устивор услубларини қидириб топиш керак.

Академиянинг мустақиллиги бунга кенг йўл очади. Масалан, гуманитар институтларнинг айрим раҳбарлари ўзларидаги хазиналар манбаидан тайёрланган асарларни бошқа нашриётлар чоп этишиб, миллион-миллион даромадга эга бўлаётганларидан ҳақли равишда тааж-жубланмоқдалар. Янги шароит тақозоси бундай даромадларда ҳар бир жамоанинг ва шахснинг ҳиссасини аниқ белгилаб, даромадларни адолатли равишда қайта тақсимлашни талаб этади. Шундай йўл билан институтлар даромадини кўпайтириш, уларни ҳар тарафлама рағбатлантиришимиз керак. Бу ҳақда махсус ҳукумат қонуни қабул қилинса, айни муддао бўлур эди.

Энг аввало, фанимиз собиқ мамлакатда ва республикада юз берган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўз йўлини, истиқболини аниқлаб олмоғи зарур. Бунинг учун:

Биринчидан, бозор муносабатлари шароитида ривожланишнинг янги муаммоларига эътиборни қаратиш керак.

Иккинчидан, мустақил республикани мустаҳкамлаш дастурларини ишлаб чиқишни назарда тутмоқ зарур.

Учинчидан, йўналишларни мавжуд молиявий танқислиқни ҳисобга олган ҳолда аниқлаб, барча имкониятларни энг долзарб муаммоларни ҳал этишга сафарбар этмоқ лозим.

Тўртинчидан, институтларимизни ихтисослаштириш қиёфасини янги талаблар асосида қайтадан кўриб чиқиш керак.

Бешинчидан, янги талаблар асосида кадрлар тайёрлаш тизимини ўзгартириш керак. Янги тафаккур файласуф олимларимиз олдига бир қатор муаммоларни ҳал этишни кўндаланг қилиб қўймоқда. Маълумки, мамлакатимиздаги фалсафий ҳаёт сиёсийлаштирилган, фалсафа илми, асосан, сиёсатнинг хизматкорига айлантирилган эди. Эндиликда эса, у инсонпарварлик мақсадларига, умуминсоний қадриятларни бойитиш хизматига қаратилмоғи зарур. Бу жараён ижтимоий-иқтисодий формация, синф ва синфий кураш, қарама-қаршиликлар, ижтимоий зиддият мафкураси, ғоявий кураш каби ижтимоий-назарий категорияларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, диннинг маданий бойликлар қаторидаги ўрнининг тикланиши, фалсафий-ахлоқий мавзуларни кенг таргиб этишни талаб қилади.

Ижтимоий-фалсафий меросимизни, маданият тарихини ўрганиш умуминсоний манфаатлар нуқтаи назаридан янги методологик принциплар асосида амалга оширилмоғи лозим.

Айниқса, республикамизнинг мустақиллик йўлидаги тараққиёти, умумжаҳон муносабатларида суверен давлат сифатида иштироки назарий-фалсафий тафаккуримизнинг доирасини кенгайтиради ва унинг ривожига кенг имкониятлар яратади. Буларнинг ҳаммаси илмий-тематик режаларимиз йўналишини тубдан ўзгартиришни тақозо этади.

Ҳуқуқшунос олимларимиз ўз эътиборини, энг аввало, давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида вужудга келган муносабатларнинг ҳуқуқий томонларини тартибга солишга, ҳар хил кўринишдаги зўравонлик ва жиноятнинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга қаратишлари керак.

Янги иқтисодий муносабатлар жорий этилаётган ҳозирги давр иқтисодчи олимлар жамоасига алоҳида масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам улар ўз масъулиятини янада аниқроқ ҳис этиб олишлари керак. Энг аввало, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш янги методологик принцип асосида ташкил этилмоғи лозим. Биринчи навбатда, қийин иқтисодий-ижтимоий шароитда халқ фаровонлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлларини таклиф этиш зарур. Янги шароитда мулкчиликнинг ҳар хил шаклда бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда уни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг муқобил йўллари тавсия этилиши лозим. Бу соҳада айрим ижтимоий гуруҳларнинг «юлғичлиги»ни барбод этадиган иқтисодий механизмлар ишлаб чиқилиши керак. Айниқса, улар ҳамкорлик асосида узоқ муддатга яъни 20—30 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишлари лозим. Орол-Каспий экологик ҳалокатини бартараф этувчи муқобил ечимни амалга ошириш муаммоси кўндаланг турибди. Гап қуриб бораётган Оролни қутқариб, иккала минтақани ҳалокатдан сақлаб қолиш тўғрисида бораётир. Шу масалани ҳал қилиш республикамизда яшовчи халқларнинг истиқболи ва яшаш тарзи билан чамбарчас боғлиқ.

Тарих ва Археология институтлари жамоалари олдида улкан вазифалар турибди. Улар халқимизнинг бой тарихини ҳолисона яратишлари лозим. Олти томлик «Ўзбекистон халқлари тарихи» ва «Ўзбеклар» тарихий-этнографик тадқиқотни тугатиш, уларни чоп этиш бу соҳадаги муҳим қадамдир.

Республикамиз мустақилликка эришганлиги шарқшунос олимлар фаолиятини ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Институт тематикасида ҳозирги юз берган силжишлар ҳисобга олиниши керак. Айниқса, қўшни шарқ давлатларининг бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари кенг кўламда ўрганилиши зарур. Бу борада Туркия ва Хитой тараққиёти тажрибаларига алоҳида эътибор берилмоғи лозим.

Филология фани соҳасида амалга ошириладиган ишлардан энг муҳимларидан бири Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонунини амалга ошириш ишларини янада жадаллаштириш ва буни назарий жиҳатдан таъминлаш вазифасидир.

Адабиётшунос олимлар олдида ҳам жиддий вазифалар турибди. Шу пайтгача давр тақозоси билан адабиётимиз тарихидаги айрим намояндаларнинг ижоди ўрганилмай келинди. Ёки бир томонлама тадқиқ этилди. Бутун бир янги давр адабиёти социалистик реализм адабиёти деб баҳоланди. Ёзма ва оғзаки ёдгорликлар қисқартирилиб ёки узиб-узиб нашр этилди. Энди адабиётнинг бош мезони бадиийликни ҳар томонлама тадқиқ этишдан иборат. Чўлпон, Фитрат асарларининг мукаммал нашрини тайёрлаш, «Ўзбек фольклори» 100 жилдлиги устидаги ишларни жадаллаштириш зарур. «Алишер Навоий қомуси»ни нашр этиш тадбирларини зудлик билан ҳал қилиш лозим. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги ва умуман, республикамиз ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеа, бу буюк шоир, мутафаккир Алишер Навоийнинг 550 йиллигини кенг нишонлаш бўлди. Олимларимиз Боборахим Машраб юбилейига ҳам катта тайёргарлик кўриб, муносиб ўтказдилар. Эндиликда Адабиёт, Қўлёзмалар, Шарқшунослик, Тилшунослик институтлари ва музейларимиз Нодирабегим, Бобур, Мирзо Улуғбек, Сўфи Оллоёр, Мирий, Хуршид, Ғайратий, Шароф Рашидов юбилейларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш ишларини жадаллаштиришлари ва бу тадбирларни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги шароитида халқимизнинг ўз-ўзини англаш ва миллий ифтихорини тарбиялашда кенг фойдаланиш усулларини ишлаб чиқишлари зарур.

Юқорида эслатилган ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги долзарб вазифалар Қорақалпоғистондаги олимларга ҳам бевосита дахлдордир.

● Маълумки, ҳар қандай ижтимоий тараққиёт, унга монанд тафаккурнинг ташкил топишида ва уни инсон онгига сингдиришда, унинг куч-қудратини буюк ишларга сафарбар этишда илм-фаннинг хизмати беқиёс. Хуллас, олимларимиз ва илмий ташкилотлар жамоаларининг ижодий ишлари истиқлол тафаккури шуъласи ёрқин порлашига бағишланмоғи лозим.

И. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

САВОБИ БАРЧАГА ТЕГСИН!



●Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара!

● Илоҳим Ҳажлари қабул бўлсун!

Мўмин-мусулмонларнинг асрий орзулари ушалмоқда. Истиқлол шабадасидан баҳраманд ислом аҳли шу кунлар ҳаж сафарига ошиқмоқдалар. Зеро, бирники мингга, мингники туманга деганларидек, бундай сайъи-ҳаракатларнинг савоби барчамизга тегса, ажабмас.

Қорақўз туркий борки, қаерда бўлмасин кўз очган Маконини қўмсайди. Биз эса Ўзбекистон, қолаверса, Ўрта Осиё халқлари уйларини иситиб, ўчоқ бошига файз киритишда баҳоли қудрат ҳиссадормиз. Боиси, Ўрта Осиё газавтомат воситалари ишлаб чиқариш-тажриба заводи жамоаси «АКГВ-23,2» хоналарни иситиш аппарати, тўртта ўт пуркагичли «ПГ-4» газ плитаси, «ШКД-13» электр иситгичли шкаф, «РДУ-80-01» газ босимини бошқариш мосламаси, «УГОП-НП-9» хонаки газогорелкалар, «РП-10» газ босимини автоматик мўътадиллаштириш пункти каби ускуна ва жиҳозлар билан фахрланади.

Газ аппаратлари ҳожатингизни чиқариши табиий. Бизку унутмаймиз, сизлар ҳам бизни бир кўнгилдан ўтказиб қўясизлар, деб умид қиламиз. Олди-берди хизматларни ихтиёр этсангиз, қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

Тошкент-156, Чилонзор мавзеси, 20-даҳа, а/я-1361. Телефон — 75-76-43, телетайп: Тошкент: 116285 «Клапан».



РЕСПУБЛИКАМИЗДА БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

ҚИРҚ ҲУНАР ҲАМ ОЗ

Куни кеча Тошкентнинг Карл Маркс кўчасида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари тайёрлаган маҳсулотлар ярмаркаси ҳаммага манзур бўлди. Бу тадбир ҳозирги муаммолар кўпайган бир пайтда кўзни қувонтириши билан бирга мазкур соҳада ҳам ечилиши лозим бўлган талай масалалар борлигини яққол акс эттирди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ҳунар-техникага оид 400 дан зиёд билим юртида 300 минг атрофида ўғил-қиз шуғулланмоқда. Улар меҳрибон усталари ёрдамида аҳоли учун кўплаб керакли буюмларни ишлаб чиқаришмоқда. Болаларнинг меҳнати —маҳорати билан яратилган буюмлар саноат андозасидан сира ҳам қолишмайди. Улар ўтган йили 12,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ва шу миқдор атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаб аҳоли талабини қондиришга оз бўлса ҳам ўринли ҳисса қўшишди.

Тахиатошдаги 4-, Наманганда ги 1-, Ғаллаоролдаги 5-, Бухородаги 34- ва Бўстонликдаги 40-ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ.

А. ПЎЛАТОВ,

Суратларда: ярмаркадаги қизғин палла лавҳалари.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

„ҚУВОНЧЛАРНИ СОҒИНГАН ЭКАНМИЗ“

Аҳмад Фарғоний номидаги шаҳар истироҳат боғининг бугунги файзи ўзгача. Негаки, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган Фарғона шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба қўмитасига қарашли корхоналар ва хўжаликларнинг болалар боғчалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-беллашув ва болалар сайли боғнинг кўркига яна ҳам кўрк қўшди.

Бу тадбир ташкилотчиларининг мақсади — болалар учун кўнгилочар сайл ва томошаларни тез-тез ўтказиб туришни йўлга қўйишдир. Ўзингизга маълум, аввалларидаги «Ҳамма яхши нарса— болаларга» деган баландпарвоз гапларимиз амалда ўз ифодасини тўлиқича топа олмади. Аксинча, керакли пайтда болаларни унутаёзгандек бўлдик. Тадбир ташкилотчиларидан бири — шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба қўмитаси раиси Маъруф Ҳожимуродовнинг таъкидлашича, болаларимиз ҳам қувончларни соғиниб-соғиниб яшашади. Уларга ҳар кун байрам қилиб берсангиз оз. Чунки, катталар бошдан кечираётган йўқчиликлар-у, қимматчиликларни уларга сездирмаслик бизнинг вазифамиздир. Шуларни ҳисобга олиб нозик кўнгилларни кўтариш учун тез-тез бундай тадбирларни ўтказиб туриш лозим бўлади.

Ҳа, М. Ҳожимуродовнинг сўзларига қўшилмай иложимиз йўқ. Чунки болаларга меҳр-мурувват улашишга доимо бурчлимиз. Бизнингча, бугунги болалар сайли ҳам шу мақсадда ўтказилган байрам ҳисобланади. Шодиёнада ўнта болалар боғчаси вакиллари ўзаро беллашдилар. Ғолибларга манзур бўларли совринлар белгиланди. Беллашувда биринчи ўринни шаҳар ёғ-мой комбинатига қарашли болалар боғчаси эгаллади. Комбинатда хизмат қилувчиларнинг фарзандлари ўзларининг ҳар бир чиқишини юқори дид билан ижро этди. Ҳакамлар ҳайъатининг фикрига, томошабинларнинг олқишига таяниб, бу боғча болалари тантанага жуда катта тайёргарлик кўрганликларининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг ижро этган куй ва қўшиқлари, бежирим кийимлари ўша ёқимлилиги ва ҳушбичимлилиги билан ажралиб турди.

Шу ўринда ёғ-мой комбинатига қарашли болалар боғчаси мудираси Маъмура Охунова бошлиқ тарбиячилар ҳақида илиқ сўзларни айтиш лозим. Шаҳарнинг энг сўлим ва кўркам жойидан ўрин олган бу даргоҳда юз нафар бола тарбияланади. Улар ўн миллатга мансуб болалар. Г. Ш. Маннакова, Ю. И. Донская, И. Я. Агафоновалар ўзларининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, болаларга меҳри баландлиги билан ажралиб туради.

Беллашувда иккинчи ўринни «Ниҳол», учинчи ўринни эса «Ғунча» болалар боғчаси эгалладилар. Бу кўрик якка ижрочиларни кўпчиликнинг назарига солди. «Бинафша» боғчаси тарбияланувчиси Акмал Қорабоев ижро этган «Онажон» ашуласини кўпчилик мириқиб эшитишди. Мафтуна Солиева раққса тушганда йиғилганлар ҳайратини яшира олмадилар.

Шодиёнани ўтказишга ҳар бир ташкилот ва корхона, жамоа хўжаликлари алоҳида эътибор берди. Бу байрамга ота-оналар ҳам таклиф қилинди.

Фарғоналикларнинг бу ҳайрли иши кенг қулоч ёйса болаларнинг кўнгиллари тоғдек кўтарилган бўларди. Уларнинг севинчларига севинчлар қўшилган бўларди.

Байрам тантаналарида касаба уюшмалари Фарғона вилоят кенгаши раиси Л. А. Абдураҳмонова ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

А. ИБОДИНОВ,
Д. ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Суратда: ёғ-мой комбинати болалар боғчаси мудираси М. Охунова болалар даврасида.

Тантаналардан лавҳалар.

Н. РАҲМОНОВ олган суратлар.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Яшириб нима қиламиз, йиллар давомида «Барча яхши нарсалар болаларга», «Болалар — келажагимиз», деб айтиб келдик. Аммо етим-есирлар кўпайиб, улар болалар уйларига ҳам сиғмай қолдилар. Номи болалар уйи бўлсада, аслида улар турмушдан дакки еган тирик етимлар маскани эди.

Надоматлар бўлсинки, бугунги кунда ҳам кичкинтойлар турмушига ҳавас қилиб бўлмайди. Болалар кийимлари, ўйинчоқлар жуда ҳам сифатсиз, нархи эса осмонда. Озиқ-овқат тақчиллиги туфайли кўплаб боқчалар, санаторийлар, дам олиш лагерлари ёпилаяпти.

Ҳайриятки, яхшилар ҳам бор дунёда. Ҳайриялар берилаяпти. Аммо қўлдан берганга қуш тўймайди. ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ҳозирги ғоят қийинчилик пайтда болалар турмушини ғамхўрлик оғушига олиш чораларини кўраётир. Жойларда болалар уйларига эътиборни кучайтириш юзасидан суҳбатлар, учрашувлар уюштирилмоқда. Куни кеча вилоят партия кенгаши болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни муносабати билан қабул тадбири ўтказди. Партия кенгаши кичкинтойлар учун дастурхон безади. Кенгаш котиби Баҳодир Шермуҳамедов болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гапирди. Даврада куй-қўшиқлар, яллалар янгради. Вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров давра қатнашчиларига совғалар топширишди.

Бундай тадбирлар вилоятдаги барча районларда ўтказилди. Болалар уйларида эса оталиқ ташкилотларнинг ёрдамида суннат тўйлари бўлди. Болаларга чет элдан юборилган совғалар улашилди.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Стажер илмий-тадқиқотчи:

Анатомия (1 ўрин), фармакология (1), микробиология (2), пат. анатомия (2), пат. физиология (2), норм. физиология (1), биология (2), гигиена (2), эпидемиология (1).

Клиник ординатура:

Акушерлик-гинекология (1), рентгенология (1), педиатрия (1), фтизиатрия (1), дерматовенерология (1).

Кундузги мақсадли аспирантура:

1-ТошМИ: стоматология (2): ортопедия (1), терапевтика (1).

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЮСУФХОНА ОРОМГОҲИДА ТАЪЛИМ

Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунуни гўзал Юсуфхона оромгоҳида сўлим Чорвоқ денгизи соҳилида 4 июлдан 14 августгача Ўзбек — Америка бизнес мактаби машғулотларини ўтказади.

Тадбиркорлик мактабида Америка профессорлари сабоқ берадилар:

— ишлаб чиқаришни бошқариш;
— бухгалтерия ҳисоб-китоби;
— инглиз тилидаги бизнес атамалари;
— корпорациялар молияси.

Мактабда ўқийдиганлар инглиз тилини билиши шарт. Уни битирганларга АҚШ сертификати берилади ва улар Америка дорилфунунларида ўқишни давом эттириш учун танловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ҳужжатлар 15 июнгача қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй, 13-қават, 13—02-хона.

Телефон: 45-43-97.

ТОШКЕНТДАГИ «ЮЛДУЗ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

1992 ЙИЛ 9 ИЮНДА

1992 йилнинг учинчи чораги учун тикув маҳсулотларининг қўшимча савдосини ўтказади.

Савдо битимлари тижорат негизида тузилади.

Барча қизиққан савдо ташкилотлари ва тижорат магазинларининг вакилларини шу савдода қатнашишга таклиф қиламиз.

Тошкент шаҳри, 700000 Амир Темур кўчаси, 60-уй, телефонлар: 35-00-15, 35-16-12, факс 35-07-35.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР ҚЕНГАШИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида «Чимён» сайёҳлар комплексига йўлланмалар сотиш бошланди. Йўлланмалар қуйидаги манзилгоҳда сотилмоқда:

Охунбобоев кўчаси, 18-уй, Фанлар академиясининг Ўғитлар институти биноси.

Маълумот олиш учун телефон: 33-76-93.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА «ЎЗБЕКДАВЛАТЭСТРАДА» РЕСПУБЛИКА ГАСТРОЛЬ КОНЦЕРТЛАР БИРЛАШМАСИ

17, 18 июнь соат 19.00 да

«ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

«Ялта—84» Бутуниттифоқ эстрада кўригининг ғолиби

Мавлуда АСАЛХЎЖАЕВА

ва

«АСАЛ» гуруҳи ижросида

ЯНГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

Концерт дастурида сиз севган қўшиқлардан «Моҳигул», «Салима», «Йиғлама», «Қизларжон» ва бошқалар ижро этилади.

Концертни **Ўткир СИДДИҚОВ** олиб боради.

Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассасида соат 10.00 дан 18.00 гача сотилади.

Телефон: 44-53-42.

16 ёшгача бўлган болалар кечки концертга КИРИТИЛМАЙДИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзшартномасавдо»га қарашли Ўзбекистон қурилиш материаллари улгуржи савдо бирлашмасининг жамоаси С. М. Таниқуловга отаси

Мирзаабдулла КОМИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзшартномасавдо»га қарашли Ўзбекистон қурилиш материаллари улгуржи савдоси бирлашмасининг жамоаси И. Т. Пиримқуловага онаси

Тўхтахон ҚУШОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ҚУШ ПЕШҚАДАМ

● **ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 14-тур ўйинлари бўлиб ўтди.**

Маълумки, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ягона пешқадам бўлиб турган эди. Улар навбатдаги учрашувни «Мароқанд» жамоаси билан ўтказишди. Бироқ дарвозалар дахлсиз қолиб, ҳисоб очилмади. «Нефтчи»»нинг ҳисобидаги очколар 18 тага етди. Пахтакорчилар ҳам кейинги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, мухлисларни мамнун этишмоқда. Улар бу safar «Нурафшон» жамоасини қабул қилишди. Кўпчиликда қизиқиш уйғотган учрашувда дарвозага биттагина тўп киритилди. Пахтакорчи Н. Ҳасанов киритган тўп пахтакорчиларга ғалаба келтирди. Бу ютуқдан кейин «Пахтакор» ҳам 18 та очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

Шундай қилиб, чемпионатда бир хил очколи икки пешқадам юзага келди. «Темирйўлчи» ҳамда «Нурафшон» жамоалари 17 тадан очко тўплашган. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Орол» — «Наврўз»—0:1, «Шаҳрихончи» — «Янгиер» — 2:2, «Темирйўлчи» — «Кимёгар» — 2:0, «Косонсойчи» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Пахтакор-79» — «Сурхон» — 4:1.

«АТЛАСЧИ» МАВҚЕИ

● **БИРИНЧИ лига футбол жамоалари республика чемпионатининг 10-тур ўйинларини ўтказишди.**

Бугунги кунда 16 очко билан ягона пешқадам бўлиб турган Марғилоннинг «Атласчи» жамоаси мухлисларни қувонтирмоқда. Марғилонликлар навбатдаги учрашувни Зарафшонда «Прогресс» майдонида ўтказиб (1:0), жами ғалабаларини 8 тага етказишди. Тўрақўрғоннинг «Бахт» ҳамда «Шифокор» (Гулистон) жамоалари 13 тадан очко билан иккинчи ва учинчи ўринларда боришмоқда.

• Олима мулоҳазаси

Атамаларни тўғри ишлатайлик

Сўнгги вақтларда жумҳуриятимиз вақтли матбуотида «Носароний», «Носороний» сўзлари христиан дини ёки шу динга эътиқод қўйган одамлар маъносида тез-тез ишлатилмоқда.

«Носароний» тушунчаси нима ўзи, «носароний»лар кимлар? Суриялик дин арбоби Несторий Кичик Осиёда, Византияда 428—431-йилларда Константинополь шаҳрининг патриархи вазифасини ижро этган эди. Худди шу йиллари Несторий христиан динининг янги мазҳаби — несторианликка асос солади. Бу мазҳабнинг Византиядаги расмий проваславия мазҳабидан фарқи: Исо пайғамбар худо фарзандими ёки одам фарзандими, унда худолик устунлик қиладими ёки одамийликми, деган муаммо атрофида эди. Маълумки, исавий дини назариётчиларининг фикрича, қизбола Марямдан инсоннинг иштирокисиз ўғил — Исо пайғамбар туғилган, бу ҳақда шубҳа йўқ. Аммо кейинчалик Исода инсонга хос хусусиятлар устунлик қилдими ёки худога хос хусусиятлар, деган масала устида кескин баҳслар кетади. Агар расмий дин Исо инсоний хусусиятларни бартараф этиб, фақат худога хосларини сақлаб қолган десалар, несторианлар пайғамбарда инсоний томонлар ҳам сақланган дейдилар.

Бундан ташқари, бу янги таълимотда қадимий Юнонистон фалсафаси ва зардуштийликкa хос пантеислик таълимот ҳам анча-мунча кучли эди. Ана шу масалалар атрофида христиан дин арбоблари ўртасида қаттиқ кураш кетади. Натижада 431 йили несторианлик бидъат сифатида қораланади. Несторий сургун қилинади ва унинг тарафдорлари мамлакатдан қочадилар. Улар асосан Эрон ва Ўрта Осиёда бошпана топадилар.

Минтақамизда несторианлик черковлари, монастирлари қурилади. Ерли халқнинг бир қисми орасида ҳам бу дин тарқалади. Эронда несторианлик VII асргача мавжуд бўлиб, кейинчалик ислом дини тарқалгач, улар Ўрта Осиё, ҳатто Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонга ҳам тарқаладилар. Кўплари Хоразмда бошпана топадилар. (Берунийга юнон тилини ўргатган грек ҳам несторианликка мансуб бўлса керак).

Энди «Носароний» тушунчаси масаласига келсак, Шарқ мамлакатларида умуман христиан динини эмас, балки фақат несторианликни шундай деб атаганлар. Шарқ олимлари умуман христианлик билан несторианликнинг фарқини яхши тушунганлар, ҳатто яқинда яшаб ўтган Соғуний ҳам ўзининг «Тарихи Муҳаммадия» асарида бу тушунчаларни аниқ фарқлайди. Шарқда христианлик «исавия», несторианлик эса «носария» деб аталади.

Фозила СУЛАЙМОНОВА.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56; 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—182.

№ 106.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.